



Бахтнинг бошланиши баҳор билан бөглиқми? Бойлик билан бөглиқми? Буюклиқ билан бөглиқми? Башқачами? Балки булар бизларга баҳт борасида бир баҳонадир. Балки... Баражасини бандаларига баҳт Бергувчи билади. Биз бир банда. Бокий, Борий, Бир-у Борнинг бандаларимиз биз. Бу – бизга баҳт! Бандалигимиз баҳт! Башарлигимиз баҳт! Бирок...

Баъзилар бепарводирлар бандалиги борасида, баъзилар балчикдан бунёд бўлганлари борасида бепарволиклари бисёр. Баъзилар бор — басир бўлиб билмайдилар буларни. Бу бандалар бетида басир-у, багрида басирмас. Булар башариятнинг бехаё бузгунчилари. Бирок...

Барча бандалар бундаймас. Башар боласи бор — бандалигини бутун борлиги билан бехисоб баҳт билади. Башар боласи бор — барча борини боридаям, бўлмаганидаям буларнинг баражасини Буюклар Буюгиданлигини билади. Бандалар бор — багри бежон, бандалиги бажо бўлганда, барзахга боришини билиб багридан беун бакиради: Бокийсан, Буюксан, Бирсан, Бунёдкорсан, Беайбсан! Бўшликдан бор бўлдирдинг. Бошимни бўй баробар букаман борлигинг билиб. Бандангман. Берганингча, билдирганингча биламан. Билмаганимни билиб, бузганимни билгувчисан. Бу борлик баҳтини, бокийлиги бешак бўлган Баконинг баҳтини бергин, Буюк баҳт бергувчи! Бандаларинг билан бирдаму биродар бўлай. Билакларимни баландга бўйладим, БЎШАШТИРМА.

Бечора банданг